

Техник шарт:

Кўқон шаҳар ободонлаштириш бошқармасининг 2022-йил 04-ой 26-кунги Давлат хизматлари марказига қилган 50927688-сонли мурожаатига асосан Кўқон шаҳар 60-Уста Бозор МФЙ худудидаги кўчаларни ичимлик сув тармоғига уланиши учун қуйидаги техник шарт бажарилиши лозим.

Ичимлик суви бўйича:

Кўқон шаҳар 60-Уста Бозор МФЙ худудидаги кўчаларни ичимлик суви билан таъминлаш учун кунлик ичимлик сув сарфи 1.5м^3 бўлиб, уланиш нуқтаси: Кўқон шаҳар Уста Бозор кўчасида жойлашган “Фарғона сув таъминоти”МЧЖ Кўқон шаҳар бўлими хизмат кўрсатувчи мавжуд АТМ босими 0.5 бўлган Д-225мм. тармокқа; Уланишда ичимлик сув тармоғига, лойиха асосида $\varnothing=100-63\text{мм}$ узиб қўювчи кириш қулфи ўрнатиб бажарилсин ҳамда $\varnothing=100-63\text{мм}$ ичимлик сув қувури КМК 2.04.02-97га асосан тортиш сувни ҳисобга олиш ускунасини ўрнатиш ҳамда замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиниши лозим ва бузилган асфалт қатламини тиклаш шарти билан.

Оқава сув бўйича:

Кўқон шаҳар 60-Уста Бозор МФЙ худудидаги кўчаларни оқава сув тармоғига улаш учун уланиш нуқтаси: Кўқон шаҳар Уста Бозор кўчасида мавжуд “Фарғона сув таъминоти”МЧЖ Кўқон шаҳар бўлими томонидан хизмат кўрсатувчи мавжуд Д-300мм. тармокқа:

Лойиха асосида оқава сув тармоғига Д-200мм. қувур орқали энг яқин қудуққа ёки алоҳида қудуқ ўрнатиб улансин ва бузилган асфалт қатламини қайта тиклаш шарти билан.

Сув таъминоти ва сувни чиқариб ташлаш тармоқлари лойихасини ёки қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун истеъмолчи бошқа лойихалаш ташкилоти, ёки бошқа қурилиш-монтаж ташкилотлари билан шартномалар тузиш ҳуқуқига эга.

Истеъмолчи техник шартни олгандан сўнг бошқа лойихалаш ташкилотидан лойиха ишларини амалга оширса, ушбу лойиха ташкилоти лойихани ЯИДХП (ягона интерактив давлат хизматлари портали) орқали “Фарғона сув таъминоти”МЧЖ Кўқон шаҳар бўлими билан келишиши шарт.

Сув таъминоти ва сувни чиқариб ташлаш(оқавани) тармоғларига уланиш фақат “Фарғона сув таъминоти”МЧЖ Кўқон шаҳар бўлими ходимлари орқали амалга оширилади, акс холда сув ва сувни чиқариш (оқавани) тармоғларига фуқароларни уланиб олишлари ноқонуний ҳисобланиб ва жарима ундирилади.

Сув таъминоти ва сувни чиқариб ташлаш лойихасининг техник шартлар талабларидан четга чиқиши лойихани келишишни рад этишга асос бўлади.

Сувни ҳисобга олиш приборини пломбалаш ҳамда сув таъминоти ва сувни чиқариб ташлаш хизматларини кўрсатиш бўйича шартномани тузиш сув таъминоти ва сувни чиқариб ташлаш тармоғларига улаш бўйича қурилиш монтаж ишлари бажарилгандан сўнг амалга оширилади.

Сув таъминоти ва сувни чиқариб ташлаш хизматларини кўрсатиш бўйича шартномани тузмасдан сувдан фойдаланиш ва оқава сувларни чиқариш тақиқланади.

Ичимлик ва оқава сув тармоқларини улаш даврида бошқа муҳандислик коммуникация(электр, газ, алоқа,ободонлаштириш ва бошқа ташкилотлардан) тармоғларига шикаст етказмаслик мақсадида тегишли корхоналардан хулосалар олиш кузда тутилсин.

Ушбу техник шарт берилган кўчадан бошлаб 2(икки) йил мобайнида ҳақиқий деб ҳисобланади.

“Фарғона сув таъминоти”МЧЖ
Кўқон шаҳар бўлими бош муҳандиси:



Ш.Касимов